Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 139 (5730).
19 ИЮНЬ 1985 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС Марказий Комитетида учрашув

КПСС Марказий Комитетида 18 июнь куни оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари билан учрашув бўлди. КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашнинг йўл-йўриқларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Учрашув қатнашчилари ҳузурида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Матбуотда партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг, Советларнинг, хўжалик органлари, илмий муассасаларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш, хўжалик юритишнинг илғор тажрибасини оммалаштириш соҳасидаги кўп қиррали ишини чуқур ва мунтазам ёритиш зарурлигига эътибор қаратилди. Оммавий ахборот воситалари корхона ва бирлашмаларни техникавий реконструкциялаш, Ватанимиз машинасозлигини модернизациялаш, фан ва техника ютуқларини жорий қилиш, илмий тадқиқотларнинг базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш, тартиб, интизом ва уюшқоқлик учун кураш борасидаги муаммоларни фаол, мунтазам ёритишлари кераклиги ҳақида гаплашиб олинди. Ижтимоий онгни турмушнинг янги талаблари, партиянинг фан-техника тараққиёти асосида мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш йўли руҳида психологик жиҳатдан қайта қуришда матбуот, телевидение ва радионинг муҳим роли таъкидланди. Халқ хўжалигини қайта қуришнинг илғор тажрибасини кўрсатишни кучайтириш зарур, камчиликлар ошкора, аниқ-равшан ва амалий равишда танқид қилиниши керак.

Оммавий ахборот воситалари 1985 йилги планни ва умуман беш йиллик планни муваффақиятли бажариш йўлидаги курашда партия билан халққа актив ёрдам бериши керак.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков ва КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин қатнашдилар.

(ТАСС).

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ХИЗМАТ ЗОНАСИНИ КЕНГАЙТИРИБ

Республикамизнинг 18 илғори КПСС XXVII съездига 27 зарбдор ўн кунлик ўтказиш бўйича бошлаган ташаббусни Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи ҳам кенг қўллаб-қувватлади. Корхонада биринчи зарбдор ўн кунлик тўқимачилик саноатининг етакчи касб эгалари бўлган йигирувчиларга бағишланди. Партиянинг катта анжуманига бағишланган мусобақада фаол иштирок этаётган 3-йигирув фабрикаси йигирувчиларининг биринчи ўн кунлиқни зарбдор меҳнат билан якунладилар. Йигирув цехининг 35 йигирувчиси юқори зичликда меҳнат қилди. Бу ёзги имтиҳонлар муносабати билан ўқув отпускасига кетган 20 йигирувчининг ўрнини қоплаш имкониятини берди. Ўн кунлик мобайнида цехда мусобақага ҳар куни якун ясаб борилди. Ғолиблар кўчма вимпеллар билан тақдирланди. Ўн кунлик мобайнида цех йигирувчиларининг меҳнат унумдорлиги 5—8 процентга ошди. Натижада ишчиларнинг ҳизмат зоналари бир мунча кенгайганлигига қарамай, маҳсулот сифати юқори бўлди. Айниқса илғор йигирувчилар Ирина Погорелова ва Татьяна Давляева яхши натижаларга эришдилар. И. Погорелова тармоқ нормадаги тўртта ўрнига бешта йигирув машинасини бошқаришга ўтди. Айни вақтда бу йигирувчи смена мобайнида нормадаги 101 килограмм ўрнига 150 килограмм га етказиб юқори сифатли маҳсулот топшириятти.

Т. Давляева эса йигирув машиналарининг нормадаги бешта томони ўрнига олтита томонига хизмат кўрсатяпти. Бу тармоқ нормасининг 128 процентига тенгдир. Илғор йигирувчи ҳар куни 207 килограмм ўрнига 280—285 килограммдан сифатли калава топширмоқда.

Цехда партия XXVII съездига бағишланган зарбдор меҳнат вахтаси давом этмоқда.

Х. САЪДУЛЛАЕВ, кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газетасининг ходими.



ЮКСАК КЎРСАТКИЧЛАР БИЛАН

11-«Висотст р о й » трести «Спецжелезобетоистрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Муҳтор Хабибуллаев бошлиқ бригадаси юксак меҳнат кўрсаткичларига эришмоқда. Коллектив шу кунларда смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб-гина қолмай, қурилиш-монтаж ишларининг юксак сифат билан бажарилишига эришмоқда.

КПСС XXVII съезди шарафига зарбдор вахтада туриб меҳнат қилаётган қурувчилар ана шу сана шарафига ўз зиммаларига олинган социалистик мажбурият қабул қилган эдилар. Мажбурият шараф билан бажарилмоқда. Электр пайвандчи А. Олифречук ва монтажчи А. Путинцев бригадаининг энг мохир қурувчиларидан ҳисобланади. Улар смена топшириқларини мунтазам 120—130 процентга етказиб адо этишяпти.

Пешқадам коллектив «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ватанпарварлик ҳаракатининг фаол қатнашчисидир.

СУРАТДА: М. Хабибуллаев бошлиқ бригаданинг пешқадам аъзолари — электр пайвандчи А. Олифречук ва монтажчи А. Путинцев.

М. Нуриддинов фотоси.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ—ЗАМОН ТАЛАБИ

Ишлаб чиқаришни интенсивлаш сари туб бурилишни таъминлаш — сира кечиктириб бўлмайдиган умумпартия, умумхалқ ишидир. 18 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда келгусидаги ишнинг асосий йўналишлари ҳақида, Ўзбекистон меҳнат коллективлари қўшиши лозим бўлган ҳисса тўғрисида гаплашиб олинди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Фан-техника тараққиёти негизида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг партия ишлаб чиққан концепцияси яқин беш йилликдаги ва 2000 йилгача мўлжалланган стратегик программа эканлиги, бу ҳақда ўртоқ М. С. Горбачевнинг яқинда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашдаги докладида гапирилганлиги уқтириб ўтилди. Ҳозир, партиянинг XXVII съездига тайёргарлик даврида экономика ва бошқарув соҳасида, кадрларни тарбиялаш борасида ишга янгича ёндашишни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кенгашда республика корхоналарининг қувватларини иш билан янада тўлароқ таъминлаш, агросаноат комплексини такомиллаштириш, меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш проблемаси муҳим ўрин олди. Ҳўжалик қурилишининг ҳамма соҳаларида социалистик экономиканинг устунликларидан тўла-тўкис фойдаланиш, бутун диққат-эътиборни энг муҳим масалага — фан-техника тараққиётига қаратиш зарур. Кенг миқёсли янги вазифалар партиявий ишни ҳам чуқур ўзгартиришни талаб қилади: юқоридан пастгача кадрларнинг фикр-зикри ва кайфиятида бутун чоралар билан ўзгариш қилиш, ҳеч кечиктирмай турмушга татбиқ этиладиган узоқ муддатли сиёсий йўл ҳақида гап бораётганлиги англаб олинишига эришиш лозим.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

**-= тонгги =-
газеталарда**

СССР билан Финляндия ҳамкорлигининг энг катта объекти—Костомукша кон-саралаш комбинатининг барпо этилиши турли социал тузумдаги икки давлатнинг сиёсий муносабатлари тенглик, аралашмаслик, бир-бирини ҳурмат қилиш, чуқур ишонч ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлана олиши мумкинлигини кўрсатувчи яхши намуна бўлди.

Комбинатни барпо этишда Финляндия фирмалари қатнашди. Комбинат қуриб битказилганлиги муносабати билан ўтказиладиган тантанали тадбирларда қатнашиш учун Финляндия Республикасининг Президенти М. Койвисто бугун Костомукшага келди.

Шу куниёқ Костомукшада Н. А. Тихонов М. Койвисто билан суҳбатлашди.

Костомукшада Совет ҳукуматининг бошлиғи ва Финляндия Президенти консаралаш комбинати қуриб битказилганлигига бағишланган митингда иштирок этдилар.

Костомукшадаги шундай катта қўшма лойиҳанинг муваффақиятли равишда амалга оширилганлиги муттасил кенгайиб бораётган ҳамкорлик мамлакатларимизга, уларни иқтисодий ва социал тараққий эттиришга қанчалик катта наф келтираётганлигидан яққол далолат бермоқда, деди жумладан митингда Н. А. Тихонов.

М. Койвисто ҳам йиғилганларга мурожаат этиб нутқ сўзлади.

Сўнгра корхона қурилиши вақтида иккала мамлакатнинг ўзаро манфаатли самарали ҳамкорлиги тўғрисида ёдгорлик сифатида навқирон шаҳар марказида барпо этилган Совет—Финляндия дўстлиги монументини очиш маросими бўлди.

***

18 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг «Соғлиқни сақлашнинг методик-биологик проблемалари» мавзуида қўшма илмий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция иштирокчилари фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар.

***

Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Ўзбекистон республика кенгашининг 18 июнь куни бўлиб ўтган пленумида агросаноат бирлашмаларида, колхоз ва совхозларда, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ва Мева-сабзавот хўжалиги министрликларининг бошқа корхоналарида, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Ўрта Осиё филиалининг илмий-тадқиқот институтларида ихтирочилик, рационализаторлик ва патент-лицензия ишининг аҳволи ҳамда бу ишнинг даражасини ошириш тадбирлари муҳокама қилинди.

***

Умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳ қилиниши муносабати билан таълимнинг муҳим социал-педагогик проблемалари 18 июнь куни Тошкентда очилган олий ўқув юртларнаро илмий-амалий конференция қатнашчиларининг диққат марказида турибди.

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ДЎСТЛАШМОҚДА

ДЎСТЛИК, ҚАРДОШЛИК, ҲАМКОРЛИК

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров бошчилигидаги Тошкент шаҳар делегацияси ЮСФРдаги биродарлашган шаҳар Скопле — Македония Коммунистлари союзи шаҳар комитетининг таклифига биноан у ерда меҳмон бўлди. Делегация составида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. А. Алавутдинова, Тошкент Бош плани илмий-тадқиқот лойиҳа институти директори Ю. Г. Мирошниченко, 1-уйсозлик комбинати комплекслашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Х. Орипов бор эдилар.

«Тошкент оқшоми» мухбири делегация раҳбари У. У. УМАРОВдан биродарлашган шаҳарга қилинган сафар ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўради.

— Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Югославия ўртасидаги алоқалар кенгайди ва мустаҳкамланди. Биз узоқ вақтлардан буён дўстлик алоқалари боғлаб турган Македония пойтахти Скопледа меҳмон бўлдик. Шу йилнинг бошларида биз Тошкентда Македония Коммунистлар союзи шаҳар комитети раиси Петар Караянов бошлиғи К. Уайнбергер бошчилигидаги делегацияни кутиб олган эдик. Куни-кечагина республикамиз пойтахтида Скопле шаҳар касаба союзлари шаҳар кенгашининг делегацияси меҳмон бўлди.

Совет Иттифоқи Югославиянинг маданий алоқалар соҳасидаги энг йирик дўсти ҳисобланади. Бизнинг ҳамкорлигимиз бундан ўн бир йил муқаддам Белградда имзоланган СССР ва ЮСФР ўртасида маданият, фан ва маориф соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида битимга асосан муваффақиятли ривожланмоқда, чуқур мазмун касб этмоқда ва янги-янги жиҳатлари билан бойиб бормоқда. Яхши анъанага айланиб қолган маданият кунларини ўтказиш бу ҳамкорликнинг ёрқин далилидир. Ўзбекистон ССРда Македония Социалистик Республикаси маданияти кунлари, Македонияда эса Ўзбекистон ССР маданияти кунлари кенг ўтказилди. Шу йилнинг октябрь ойида Тошкентда Скопле шаҳри кунларини ўтказиш мўлжалланмоқда. Ана шу байрамона тадбирлар тимсолида маданият ва санъат соҳасидаги ютуқларимиз намойиш этилмоқда, ижодий учрашувлар тез-тез ташкил этилмоқда. Бу маросимлар оммавий тус олиб, аҳолининг кенг қатламларини қамраб олмоқда, ўзаро тушунча ва дўстликнинг хайрли ишига хизмат қилмоқда.

— Учқун Умарович, сафар программаси ҳақида гапириб берсангиз.

— Скопле сафари программаси бой ва қизиқарли тузилган эди. Бизни Македония Коммунистлар союзи шаҳар комитети раиси Петар Караянов, шаҳар кенгаши раиси Душан Поповски, шаҳар Совети ижроия комитети раиси Петар Бендевски, «ЮСФР — СССР» дўстлик жамияти Скопле шаҳар бўлими раиси Мотей Матевски, шаҳар жамоатчилиги вакиллари кутиб олдилар.

Бундан қирқ йил муқаддам фашист босқинчиларидан озод этилган Югославия территориясида Миллий Озодлик комитети тузилди, орадан икки йил ўтгандан кейин 1945 йил 29 ноябрда Югославия Республика деб эълон қилинди. Делегациямиз Скопледаги Халоскорлик ёдгорлигига гулчамбарлар қўйди.

Биз Скопле шаҳри ва унинг шаҳарсозлиги билан танишиш шарафига муяссар бўлдик. «Скопле металлургия заводига зиёрат қилиш ва у ерда корхона ишчи коллективлари раҳбарлари билан учрашувлар ғоятда мароқли бўлди. Бу корхонада ўн минглаб киши меҳнат қилмоқда. Ишчи мустақил бошқармаси — ишчилар комитети, касаба союз ташкилотлари ижроия органлари фаолияти, заводда меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш билан яқиндан танишдик.

(Давоми 2-бетда).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

● **«Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари партиянинг XXVII съездига атаб муносиб янгиликни яратдилар. Улар янги ўта қаттиқ қотишмани қўллаш соҳасидаги изланиш ишларини ниҳоясига етказишди. Бу қотишмадан тайёрланган ускуна Тошкент трактор заводида тадбиқ этилди. Янгиликдан бир йилда 30 минг сўмдан ортиқ иқтисодий фойда олинади.**

● **Тошкент темир йўл бошқармаси пассажир вагон депосининг Ленин ордени кавалери Қамбар Орифхўжаев бошлиқ слесарлар бригадаси ички имкониятларни ишга солиб пландан ташқари битта пассажир поездини сафарга шайлади. Бу поезд 500 га яқин саёҳатчи, дам олувчи ва йўловчи билан 21 июнь куни Москва сафарига йўл олади. Пассажир депоси коллективи ёзги мавсумда пландан ташқари ана шундай тўртта поездни жорий этишга бел боғлади.**

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 30 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 20—22, эртага кундузи 34—36 даража иссиқ бўлади.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XIX чақириқ Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси 1985 йил 20 июнь соат 17.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида (Ш. Рашидов проспекти, 9-уй) очилади.

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 16.00 дан рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

Арақ ўрнига шарбатлар

ФОТОАХБОРОТ

Ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатишга қаратилган ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорларини амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг савдо ва умумий овқатланиш бошқармаси ҳамда Ленин район ижроия комитетининг савдо бўлими ходимлари 31 та ошхона, кафеда спиртли ичимликлар билан савдо қилишни бекор қилдилар. Ҳозирги кунда ана шу корхоналарнинг 17 тасида спиртли ичимликлар сотилмайди. Ўрнига ширинликлар, ширинликбозлик ва алкоголизмни тугатишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда.





Ички ишлар бошқармаси ходимлари спиртли ичимликлар билан савдо қилишдаги кафе ўрнида «Ғунча» деб номланган янги кафе аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Бу ерда ҳар хил турдаги музқаймоқ, ширинликлар, ширинликлар билан савдо қилинмоқда. Бир кунда 500 сўмлик хизмат кўрсатаётган 80 ўринли «Ғунча»нинг ички ва ташқи зали бўлиб, унда азиз ҳамшаҳарларимиз учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Залда рассомлар Ч. Ахмаров, М. Собиров, Н. Холматов, Ғ. Комилов расмлари асосида болаларнинг эртаклардаги қаҳрамонларини кафелар-га жозибали қилиб чизилган.

Суратда: «Ғунча» кафесида.

Т. Каримов фотоси.

● ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ЯПОНИЯ АҚШ ИЗМИДАН БОРМОҚДА

Вашингтонда Америка—Япония ҳарбий маҳкамалари бошлиқларининг навбатдаги консультацияларида ҳам Пентагоннинг барча истак ва талабларини амалда ҳеч бир эътирозсиз қабул қилди.

Учрашувда Японияда ўзининг ҳарбий потенциалини кучайтиришни тезлаштириш талаб қилинди. Пентагон стратегиясида қатнашиш масалаларида ҳам Японияниг бу соҳадаги куч-ғайратини Вашингтон нуқтаи-назаридан «етарли эмас» деб таърифлади. Япониядан АҚШ ва Ғарбнинг энг муҳим манфаатларини «ҳимоя қилишни» кучайтириб, яқин йиллар ичида япон соҳилларидан 1.000 миля доирадаги денгиз ва ҳаво территориясини ўзининг «тўла назорати» остига олишни ва ўз қуролли кучларини шунга мувофиқ ривожлантиришни талаб қилдилар. Ҳолбуки, ана шу районга бошқа суверен давлатларга қарашли территориялар ҳам киради. Ҳозир 1986—1990 йилларга мўлжаллаб тузилаётган ҳарбий қудратни ошириш беш йиллик планида Японияга ўз қуролли кучларининг узоқ вақт жанговар ҳаракатда бўлиш қобилиятини таъминлаш зарурлиги шаъма қилиб ўтилди.

Ниҳоят, Токиодан Рейганнинг «самовий урушлар» программасини амалга оширишда тўла ҳамкорлик қилиш ва шу программани рўёбга чиқаришда фойдаланиши мумкин бўлган япон ҳарбий технологиясини АҚШга топшириш талаб қилинди.

Япония миллий мудофаа бошқармасининг бошлиғи К. Като Японияниг ҳаводаги ва денгиздаги қуролли кучлари жанговарлик қобилиятини кучайтириш ва «АҚШнинг ишончли иттифоқчиси»га айлантириш учун бор куч-ғайратини сарфлашга ваъда берди. У қурол-яроғларнинг ўта олислиқни пайқай оладиган радиолокация станцияси, олдиндан огоҳлантириш учун хизмат қиладиган самолётлар, энг янги қирувчи самолётлар, «Эйжиз» системасидаги кема ракеталари сингари ўта янги қурол-яроғлар системаларини сотиб олишга тайёр эканлигини билдирди. У қўлга киритишни мўлжаллаётган радиолокация СССР ва Японияга қўшни бўлган бошқа мамлакатларнинг кенг районларини устида электрон жосуслик қилиш имконини беради. Ҳарбий маҳкама бошлиғи АҚШ билан «мудофаа ҳамкорлигини кучайтиришга ва «унинг асосий стратегияси аҳамиятини оширишга интилаверишини билдирди. Като биргаликдаги ҳарбий машқларни янада активлаштириш, бирлашган ҳарбий ҳаракатлар планларини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади, Қўшма Штатларга керак бўлган барча ҳарбий технологияни топширишга рози бўлди.

Осиё — Тинч океани регионн мамлакатларн, шу жумладан Япония тинчликсевар жамоатчилиги бу музокараларнинг натижаларига АҚШнинг Узоқ Шарқдаги агрессив стратегиясига Японияни жалб этишнинг навбатдаги босқичи деб, бу мамлакатни Америка империализмининг Осиё ва бутун дунёдаги найрангларининг бевосита иштирокчисига айлантириш деб баҳо бермоқда.

**А. БИРЮКОВ,
ТАСС шарҳчиси.**

ДЎСТЛИК, ҚАРДОШЛИК, ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Скопле шаҳар Сейми кўргазмасида хўжалик раҳбарлари билан бўлган учрашувда иқтисодий-савдо, турли мамлакатлар билан туристик алоқалари ривожланган Скопле билан батафсил танишдик, бизни бу ерда серқуёш диёримиздан юборилган кенг истеъмол моллари кўргазмасида қатнашишга таклиф этишди. Чет эллик дўстларимиз Тошкент ташкилотлари ва корхоналари билан олиб борилаётган иқтисодий алоқаларга катта қизиқиш билдирдилар.

Биз корхоналар, ишчи клубларида бўлган учрашувларда совет халқи, Ўзбекистон механизаторларининг КПСС XXVII съезди ва республика Коммунистик партиясининг XXI съездига муносиб тайёргарлик кўраётганлиги, экономика ривожланаётганлиги, иқтисодий эксперимент тадбиқ этилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилиб бердик.

Сафар программасига биноан биз Скопле енгил саноат корхонаси — бир йилда икки миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқараётган «Газела» пойафзал фабрикасини бориб кўрдик. Шу корхонанинг 850 минг жуфт маҳсулоти Совет Иттифоқига етказиб берилмоқда. Биз 1986—1987 йиллар мавсуми пойафзали намуналари билан танишдик. Ишчи кенгаши раиси саволларимизга жавоб берар экан, пойафзаллар моделлари бир сафарнинг ўзида бир неча минг жуфт тайёрлаб чиқарилиши ва шундан кейин эса мутлақо такрорланмаслиги ҳақида гапириб берди. Корхонанинг конструкторлик бюросида ҳар йили 3 минг модель ишлаб чиқилмоқда, шундан 800 таси ишлаб чиқаришга тадбиқ этиляпти. Ишчи клубида фабрика механатчилари билан бўлган учрашувда дўстлигимиз алоқалари ҳақида гапириб бердим.

Делегациямиз Скопледа бўлганида катта маданий программа таклиф этилди. Бу программа Македония халқ театри, шу йилнинг бошларида делегация составида Тошкентга келган Коста Балабанов бош директорлик қилаётган Македония Социалистик Республикаси музейига марҳамат қилишдан иборат эди.

Учрашувлар, суҳбатлар дўстона ўтди. Тошкент Давлат университети билан биродарлашган «Кирилла ва Мафодия» университетида таълим системаси, ўқув юртининг бой илмий анъанаси билан танишдик.

Мавроводаги тоғ чанғи марказини бориб кўрдик, Скопледаги металлургия заводининг пансионатида Македония Коммунистлар союзи район комитетининг вакиллари билан учрашдик.

Ўз навбатида биз Тошкент заводлари ва бирлашмаларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тажрибаси, кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ҳақида ҳикоя қилиб бердик ва тажрибалари билан баҳамлашдик.

— Биродарлашган Скопле шаҳри билан бундан буён олиб бориладиган ҳамкорлик алоқалари режаси нималардан иборат?

— Скопледа сафаримиз чоғида СССР — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва ЮСФР — Македония коммунистлари союзи шаҳар комитети ўртасида 1985—1987 йиллар даврида олиб бориладиган ҳамкорлик программаси шаҳар кенгаши депутатлари клубида имзоланди. Бу ҳужжат иккала биродарлашган шаҳар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари олиб бориш ни, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида алоқаларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришни кўзда тутади. Бу программага Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети марксизм-ленинизм университети ва Македония Коммунистлар союзи Скопле шаҳар комитетининг ғоявий-назарий ишлар ва марксистик таълим бўйича марказ ўртасида ҳамкорлик, ёшлар ташкилотлари — Тошкент комсомоли ва Македония социалистик ёшлар союзи Скопле шаҳар конференцияси ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси билан 22 декабрь номидаги меҳнат бирлашмаси ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш тўғрисидаги таклифлар киритилган.

Келгусида Тошкентда Скопле Ҳафталиги ва Скопледа эса Тошкент Ҳафталиги ўтказилади.

Биродарлашган шаҳардаги дўстларимиз ҳамкорлик алоқаларининг чегараси янада кенгайиб, театрлар, институтлар ва газета редакциялари ўртасида ҳам алоқалар ўрнатиш истагини билдиришди. Тошкент шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамияти, Тошкент трактор заводи, 153-қурилиш трести, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг сейсмология институти, 110-мактаб қардош ва дўст мамлакатдаги турдош корхоналар ва ташкилотлар билан дўстлик алоқаларини кенгайтириш борасида катта ишларни олиб бормоқдалар. Биз билан биродарлашган Скопле шаҳри адресига Совет Ўзбекистони ва унинг пойтахти Тошкент кўп қиррали ҳаётини акс эттирувчи ахборот-пропаганда материаллари мунтазам юборилмоқда.

Совет Иттифоқи ва Югославия Социалистик Федератив Республикаси биродарлашган иккала шаҳрининг алоқаси бундан буён мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораверади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленумида бундай деди:

«КПСС — ўз табиатига кўра интернационал партиядир. Бизнинг чет эллардаги маслакдошларимиз н и н г ишончи комил бўлаверсин: Ленин партияси тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда, ҳамиша бўлганидек, қардош коммунистик, ишчи, революцион, демократик партиялар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилаверади, барча революцион кучларнинг бирлиги ва актив баҳамжиҳат ҳаракат қилиш учун курашаверади».

Иккала биродарлашган шаҳарнинг дўстлиги, тинчлик тўғрисидаги ғамхўрлиги ер куррасида тинчлик ишини мустаҳкамлашда муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

СУРАТДА: биродарлашган Скопле шаҳри билан танишув.



ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

УЗОҚ МУДДАТЛИ ПРОГРАММАНИ БАЖАРА БОРИБ

БУДАПЕШТ. Будапештлик кемасозлар ва крансозлар меҳнатда муҳим ғалабага эришдилар: Совет Иттифоқининг буюртмасига биноан «Ганцданибус» заводида 35 тонна ҳажмли янги конструкциядаги сузувчи бош кран сувга туширилди. Корхона кемасозлари 1990 йилгача Совет Иттифоқи учун порт акваторияларини ва дарё ўзанларидаги ҳар хил ишларда фойдаланиладиган қарийб ўттиз хил шундай сузиш воситасини қуриб берадилар. Улар биринчи кранни шу йилнинг учинчи кварталида «Судоимпорт» вакилларига топшириш мажбуриятини олдилар.

Венгрия саноатида фан ва техника ютуқлари, янги материал ва технологияларни ССРР билан ВХР ўртасида 2000 йилгача бўлган даврга мўлжаллаб тузилган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш программасига мувофиқ жорий этиш асосида советлар мамлакати учун янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

Кемасозлик соҳасидаги шу ҳужжатни амалга ошириш ВХР кемасозлик корхоналари қувватларини кенгайтиришга, уларни жадал суръатлар билан янгилаш ва узоқ муддатли барқарор асосда иш билан тўла таъминлаб туришга ёрдам беради. Совет портларининг техник ёрдамчи сузиш воситалари флотилияси эса пухта ишлайдиган кемалар билан муттасил тўлдириб борилмоқда.



МАОРИФ ВА МАДАНИЯТ СОҲАСИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Миллий маданиятнинг ҳар томонлама ривожланганлиги Афғонистонда Апрель революциясининг энг муҳим ғалабаларидан биридир. БАХТАР агентлигининг хабар қилишича, шу йилнинг ўзидагина АДР да 10 та халқ кутубхонасини қуриш белгиланган. Бу эса революцияга қадар бутун мамлакатда мавжуд кутубхоналар сонига баравардир. Ҳозир ҳар бир вилоятда, ҳар бир шаҳарда катта кутубхоналар ишлаб турибди, Кобулда эса 16 та кутубхона бор.

Бу ютуқлар Афғонистон Халқ Демократик партияси билан мамлакат революцион ҳукумати аҳолининг ёппасига саводхонликка эришишига, унинг маданий савиясини оширишга, АДР даги барча миллат ва элатларнинг намояндаларига баббаравар ривожланиш имкониятлари берилишига қаратилган сиёсатининг натижасидир,. Революция йилларида қарийб бир ярим миллион киши саводсизликни тугатиш курсларини тамомлади. Ҳар йили бу курсларда 500 мингдан кўпроқ киши ўқимоқда.

Афғонистон тарихида биринчи марта бир қанча шаҳарларда болалар театрлари, шу жумладан кўғирчоқ театрлари очилди. Афғон кинематографиячиларининг маҳорати ўсганлиги яққол кўриниб турибди — кейинги йилларда «Афғонфильм» студиясида 400 га яқин ҳужжатли ва бадиий фильм тайёрланди.

Китоб ва газеталар нашр этиш, фильмлар ва спектакллар қўйиш, радио эшиттиришлари ва телевидение кўрсатувлари ҳозирги вақтда мамлакатнинг барча элатлари тилида олиб борилмоқда. Мактабларда болалар она тилида — дарий ёки пушту, балучи ёки пошшои тилларида ўқимоқдалар. Санъатнинг, халқ ижодкорлигининг миллий турларини ривожлантириш ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Шу тариқа АХДПнинг программавий йўл-йўриқлари амалда ана шундай бажарилмоқда

АФРИКАНИНГ ЖИДДИЙ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ЛУСАКА. Африка ғарб билан тенг ҳуқуқли бўлмаган савдо-сотиқ сабабли, озиқ-овқатни ва бошқа энг зарур молларни четдан харид қилишга харажатлар ортиб бораётганлиги, қурғоқчилик ва очарчилик сабабли экономика соҳасида жиддий қийинчиликларга дуч келмоқда. Замбия савдо ва саноат министри Л. Субулва Замбия Ботсвана доимий комиссиясининг бу ерда ўтаётган сессиясида сўзга чиқиб, шуларни айтди.

Хом ашёнинг нархи доимо тушиб кетаётганлиги ва жаҳон бозоридаги тайёр буюмлар қиймати тўхтовсиз ошаётганлиги қитъа мамлакатларининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, деб таъкидлади у. Таркиб топган халқаро иқтисодий муносабатлар системаси, айниқса қарз ва кредитлар бериш шартлари ривожланаётган давлатларнинг ғарбга қарамлигини янада кучайтиришга олиб бормоқда.

Чинакам мустақил миллий экономикани вужудга келтириш йўли билангина қолоқликни бартараф этиш мумкин, деб уқтирди Л. Субулва. Ёш давлатларнинг тенг ҳуқуқли асосда йўлга қўйиладиган регионал ва икки томонлама ҳамкорлиги бу ишда муҳим роль ўйнаши керак. Африка бой бўлган табиий ресурслардан яна ҳам самарали фойдаланиш, товар оборотини номенклатураси ва ҳажмини кенгайтириш, биргаликда хўжалик лойиҳаларини ишлаб чиқиб амалга ошириш зарур, деди министр. Казунгула районида Замбези дарёси устида қурилаётган кўприк инфраструктурани ривожлантириш борасида шундай ҳамкорлик намунаси бўлиб хизмат қилади. Ана қилади. Ана шу кўприк яқинда Замбия билан Ботсванани боғлайди.

ЛОНДОН. Мамлакатдаги 2000 дан ортиқ тинчлик тарафдорлари Британия мудофаа министрлиги биноси қаршисига тўпланишиб, ядро қуролларини жойлаштиришга қарши норозилик билдиришди. Улар тинчликни сақлаш, ядро урушининг олдини олиш учун ядролик билан курашажакларини изҳор этишди. Намойиш қатнашчилари урушга қарши ранг-баранг плакатларни кўтариб олишган эди.

СУРАТДА: Лондонда ўтказилган намойишнинг энг ёш қатнашчиси.

МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

СОФИЯ. Узоқ саёҳатларга йўл олганлиги яққол кўриниб турган каттакон автобуслар, турли-туман тилларда сўзлашувчи гуруҳ-гуруҳ туристлар, меҳмонхоналарнинг гавжумлиги Болгариянинг Қора денгиз бўйидаги курорт комплексига хос бўлган муҳитдир.

Бу ерда ҳамиша меҳмонларга мунтазир туришади. Бу ҳол салом-алик сўзларидагина эмас, энг муҳими — ишларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Шуни айтиш кифояки, энг навқирон курорт маркази бўлган «Албена»да янги, қулай «Болгария» меҳмонхонаси туристларни кутиб олишга шай бўлиб турибди. «Славянка» ва «Прага» меҳмонхоналари реконструкция қилиб бўлинди, «Доброужа» ҳамда «Дорострор» меҳмонхоналарида эса бу мавсумда илк бор видиоахборот системасидан фойдаланилади. Бу система ҳар ўн беш минутда меҳмонхонанинг ҳолати, унда кўрсатиладиган турли хизматлар ҳақида муфассал маълумот бериб туради. Компьютер техникаси меҳмонларга хизмат кўрсатишни анча енгиллаштириш ва яхшилаш имконини беради.

Ҳозироқ айтиш мумкинки, янги мавсумда туристлар яна ҳам кўпаяди. Чунончи, «Сув париси» деб номланган манзарали комплекс учун ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўп буюртма олинди. «Қуёшли соҳил» меҳмонхонаси ўтган мавсумдагига қараганда 60 минг нафар меҳмонни қабул қилади.

АҲОЛИ МАМНУН

Будапештдаги энг кенжа турар жой микрорайонларидан бири ҳисобланган — Газдагрет аҳолиси ўз телевидениесига эга. Бу ердаги кабелли телекўрсатувлардан аҳоли баҳраманд бўлмоқда. Бундай телекўрсатувлар одатдаги телевидение қаторида янги кўчиб келганларга катта қулайлик яратади. Уэига хос маҳаллий телевидениеда кўрсатувлар сифатли бўлиши билан бирга, талабларга биноан томошабинларга ёқиб қолган музиканн тинглаб, маҳаллий янгиликларни эшитиш мумкин. Келажакда телекўрсатувларнинг бундай системаси орқали бу ерда ўтказилаётган шанбаликлар, турли хил умумхалқ тадбирлари ҳамда коммунал хизматдаги янгиликлар билан яқиндан танишиш мумкин бўлади.

ПОЛИЦИЯЧИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Нью-Йорк шаҳрида жиноятчиликнинг кун сайин авж олаётганлиги туфайли осойишталик қўриқчиларн ҳатто ўз сейфларининг даҳлсизлигига ҳам кафолат беролмай қолишди. Шундай бўлиб чиқдики, номаълум жиноятчилар шаҳар полицияси маҳкамасига 15 марта ўғирликка тушишган. Ўғри ҳар сафар ўта муҳим ҳужжатлар сақланадиган бўлимларни ўмарнб кетган.

Ғайри-табиий ўғирлик икки ойдан бери давом этаётган бўлишига қарамай, қидирув ишлари ҳеч қандай натижа бермаяпти. Шу боисдан ҳам полиция бошқармаси барча осойишталик қўриқчилари учун ўз мол-мулкларига кўз-қулоқ бўлиб турилиши кўрсатилган махсус қўлланма чиқаришга мажбур бўлди.

АМАЛДАГИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ҲИММАТИ

«Узновгородводстрой» трести «Тошкент-2» махсус механизациялашган кўчма колоннасидан З. Тастомирова участкасининг мелираторлари 184 гектарли майдонда ёпиқ зовурни муддатидан илгари ётқизиб бўлдилар. Бу массив Солецн районидаги «Знамя Ленина» колхози учун аталган. Ҳозир ўзбекистонликлар тошқин сув ташланадиган қўшимча қурилмаларни битказишга шошилмоқдалар. Шундан кейин янги зах қочириш системаси фойдаланишга тайёр бўладн.

Бу объект новгородликлар назари билан қараганда ҳам қиймн — ер остида ташлаш кўп эди... Қишнинг қаттиқ келиши мелиорацня ишларини анча орқага суриб юборди. Механизаторлар вақтдан ютиш мақсадида механатни ташкил этишнинг илғор формаларига, машина-ускуналардан оқилона фойдаланишга зўр бердилар. Айнв шу ерда илк бор механизациялашган колоннада қурилишнинг поток методи қўлланилди.

Буталарнн қўпориш, зовур, қувур ётқизиш, очиқ каналлар қуриш, шуннигдек участкаларни текислаш ишлари кетма-кет бажарилди. Натижада машина-ускуналарнн бир жойдан иккинчи жойга солиш, иш сафатнни яхшилаш мумкин бўлдн. Экскаватор машинистларидан Н. Фокин, А. Соловьев, Е. Смурнов юксак иш унумига эришдилар. Ёш механизатор Ю. Яковлев эса траншеясиз агрегатда уч километр ва ундан ҳам кўп зовур, қувур ётқизди.

Қурилиш технологияси муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Масалан, йўл ёқалаб ўтувчи ариқларни очишда анъанавий бир чўмичли экскаватор ўрнига кўп чўмичли ЭТЦ — 202 экскаваторидан фойдаланишга қарор қилинди. Бу ишда меҳнат унумдорлиги бир неча баравар ортди.

Бошқа жойларда ҳам иш суръати баланд. Ўзбекистонликлар кўп юз километр ёпиқ зах қочириш системаларнни қуриб бердилар.

СИЁСИЙ ДОКЛАДЧИЛАРГА ЁРДАМ

ЖАҲОН ЁШЛАРИ—ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА

XII МОСКВА 1985

1985 ЙИЛ 21 ИЮНДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЯГОНА СИЁСИЙ КУНГА

ТУБ РЕВОЛЮЦИОН ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги шароитда жамият тараққиётида ёшларнинг роли ғоятда муҳимдир. Чунки икки мингинчи йилгача дунёнинг қандай бўлишини кўп жиҳатдан ёшлар белгилаб беради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўсиб келаётган ёш авлоднинг ана шу ролини ҳисобга олиб, бу йилни Халқаро ёшлар йили деб эълон қилди. Унинг: «Қатнашиш, ривожланиш, тинчлик!» шиори йигит ва қизларни социал-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга қўшадиган ҳиссаларини кучайтиришга, жамиятнинг давлат ва ижтимоий ишлардаги активликларини оширишга, ёшлар ташкилотларининг тинчлик учун курашдаги ролини кўтаришга, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро бир-бирларини тушунишларини ривожлантиришга чақиради.

Ф. Энгельс таъбири билан айтганда, миллатнинг ор-номуси ва қадр-қиммати бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун социалистик тузум ажойиб шароитлар ва омиллар яратиб берган. Социализм ҳуқуқсизликни таг-томири билан йўқ қилиб ташлади. Ёшларни ўз мамлакатининг хўжайинларига, тенг ҳуқуқли гражданларига айлантирди. Уларга давлатни бошқаришга йўл очиб берди. Ёшларни эксплуатациядан, ишсизликдан, ирқий камситилишдан озод қилди. Уларда эртанги кун учун ишонч уйғотди. Социализм маънавий манфаатлар соҳасида ҳам ёшларни революцион назария билан қуроллантирди. Билимларни, маданият ва фан бойликларини эгаллаш учун чексиз имкониятлар яратиб берди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда, коммунизм идеаллари тантанаси учун курашда Ленин комсомоли партиянинг фаол ёрдамчисидир. ВЛКСМ ўз сафларига 42 миллион йигит-қизни бирлаштириб, совет жамиятининг сиёсий системасида муҳим ўрин эгаллаб турибди. У экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришда, социалистик экономикани янада чуқурлаштиришда, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда актив иштирок этмоқда.

Ленин васиятларига содиқ бўлган КПСС ёшлар ҳаракатига партиявий раҳбарликни социалистик жамиятда авлодларнинг революцион ворислиги, комсомолнинг ғоявий етуклиги, жанговарлиги ва ижодий активлигининг энг биринчи шарти ва муҳим кафолати деб ҳисоблайди. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари асосида комсомолга партиявий раҳбарликнинг мазмуни бойимоқда, форма ва методлари такомиллашмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партиявий раҳбарликни янада яхшилаш ва унинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини ошириш тўғрисида» қабул қилган қарори (унда партиянинг мамлакат ёш авлоди билан ишлашдаги программ вазифалари белгилаб берилган), КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг шу йил 11 июнда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашдаги нутқи («Правда» газетасининг 12 июнь сонига қаранг), унинг Москва ва Ленинград шаҳарларидаги саноат корхоналарининг ёш ишчилари, мутахассислари, Ленинград политехника институти студентлари билан учрашувлари ва суҳбатлари, Москвадаги бир ёш оиланинг квартирасига бориши партиянинг ёшлар тўғрисида қилаётган ғамхўрлигига янги яққол мисолдир.

Шу билан бирга ривожланган социализмни такомиллаштириш вазифалари, икки жаҳон системасининг қарама-қаршилиги кучайганлиги комсомолга, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш билан боғлиқ барча ишларга партиявий раҳбарликни янада яхшилашни, комсомолнинг социалистик қурилишдаги иштирокини активлаштиришни талаб қилди. Ёшларнинг айрим қисмлари ўртасида меҳнат ва ижтимоий пассивлик, шахсиятпарастлик, интизомсизлик ва бошқа хил салбий кўринишлар борлигини ҳам ҳисобга олмасдан бўлмайди. Комсомол комитетлари ўз фаолиятларининг усул ва услубларини сусткашлик билан қайта қурмоқдалар, комсомол кадрлари билан ишлашда жиддий нуқсонларга йўл қўймоқдалар, янги вазифаларни «сийқаси чиққан», қотиб қолган усуллар ва воситалар билан ҳал қилишга уринмоқдалар. Ёшларнинг янги қизиқишлари ҳамиша ҳам ўз вақтида пайқаб олиниб, унга керакли йўналиш берилмаяпти.

КПСС Марказий Комитети ўсиб келаётган авлодни тарбиялашни янада яхшилаш вазифасини энг муҳим партиявий, давлат ва умумхалқ иши деб ҳисоблайди.

В. И. Ленининг комсомол III съездида коммунизмни ўрганиш керак, деб берган тарихий васияти ҳозирги шароитда янада катта актуаллик касб этмоқда. Йигит ва қизларга буюк Ленин ҳаёти ва фаолияти мисолида, партия ва халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари мисолида коммунизмни ўргатиш, ёшларга тўла ишониш, айни пайтда уларга нисбатан талабчанликни ошириш, ёшларнинг социализмнинг тарихий тақдири учун масъулиятини кучайтириш—партия ташкилотларининг бурчи ва вазифасидир.

ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ёш авлодни коммунизм ишига чексиз садоқат руҳида, совет жамиятининг муносиб гражданлари қилиб тарбиялаш — комсомолнинг бош вазифасидир.

Бунда ёшларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Йигит ва қизларда марксча-ленинча дунёқарашни, синфий онгни, буржуа идеологиясига, социал адолат ғояларига қарама-қарши бўлган барча нарсаларга муросасизликни қатъият билан шакллантириш керак. Ёшларда ҳозирги замон билимларини эгаллашга бўлган органик эҳтиёжни ҳосил қилиш, уларни бунёдкорлик ишларига, иқтисодий ва социал ривожланишнинг туб масалаларини ҳал қилишга, давлат ва жамиятни бошқаришга активлик билан жалб этиш даркор.

Ғоявий чиниққанлик, Ленин ишига садоқат ёшларнинг коммунистик қурилишга амалий иштирок этиш учун бўлган интилишида ва тайёргарлигида намоён бўлади. Ёшларга хос бўлган ватанпарварлик шижоати, энг аввало, энг муҳим иқтисодий масалалар ҳал бўлаётган жойларда ўз аксини топади. Ҳозирги пайтда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қиладиган фан-техника тараққиёти партия иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланиб қолди. «Одамлар фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — бу ҳамманинг манфаатларига жавоб берадиган, ҳар бир кишининг ўз қобилияти ва истеъдодини кенг очишига имкон берадиган ҳаётий муҳим иш эканлигига ишонч ҳосил қилишга кўмаклашиш зарур,— деб таъкидлади М. С. Горбачев шу йил 11 июнда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда. — Биз ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, инженер ва олимларимизнинг юксак ижодий активлик ва маҳорат кўрсатишларига умид қиламиз. Биз ёшларнинг уларнинг куч-ғайрати ва синчков ақл-идроки, барча янги, илғор нарсаларга қизиқишидан, айниқса, кўп нарса умид қиламиз».

Ёш ватанпарварлар эришган жуда кўплаб меҳнат муваффақиятлари орасида зарбдор қурилишлар алоҳида ўрин эгаллайди. Республика комсомоли 88 та Бутуниттифоқ, республика ва бошқа зарбдор қурилишларга оталиқ қилмоқда. Республика ёшлари Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги объектларни, Ўзбекистон металлургия заводидаги «300» станни бунёд этишда, Тошкент метрополитенининг иккинчи линиясини ишга туширишда фаол қатнашдилар. 8 минг йигит ва қиз Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишларига жўнаб кетди. Ноқоратупроқ ўлкани, Ғарбий Сибирнинг нефть ва газ конларини ўзлаштирмоқда. Республика ёшларининг минглаб вакиллари Қарши ва Жиззах чўллари қиёфасини ўзгартиришда иштирок этмоқдалар.

Улар орасида мамлакат комсомол-ёшлар қурилишларида Тошкентнинг 320 вакили, республика зарбдор объектларида эса пойтахтнинг 3.700 йигит ва қизи меҳнат қилмоқда.

Республика халқ хўжалиги тармоқларида ҳаммаси бўлиб 21 мингдан зиёд комсомол-ёшлар коллективи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 1,5 минги ҳамда ўн минглаб йигит ва қизлар ҳозирдаёқ ўзларининг беш йиллик планларини бажариб қўйдилар. Ўн биринчи беш йилликда 284 нафар ёш новатор мамлакат ва республиканинг Ленин комсомоли мукофотини олишга муяссар бўлди. Юзлаб фидокор ёшлар СССР орден ва медаллари билан тақдирланди. Биргаликдаги меҳнат ёшларни бирлаштиради, жипслаштиради, халқлар ўртасида дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга, интернационал онгликни шакллантиришга, совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялашга кўмаклашади.

Ёшлар давлатни бошқаришда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Биргина республикамиз Олий Советига 86 комсомол сайланган. Маҳаллий Советлар депутатлари орасида комсомоллар салкам 22,9 минг кишини ташкил қилади. Комсомоллар, ёшлар СССР Конституциясида ўзларига бериб қўйилган қонун чиқариш ташаббускорлиги ҳуқуқидан актив фойдаланмоқдалар. Энг муҳим давлат тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этмоқдалар. Меҳнат коллективлари ҳақидаги қонунда ҳам уларга катта имкониятлар берилган.

Партия ва Советлар ёшларнинг маълумотини ошириш ва меҳнатда тобланишини ривожлантириш тўғрисида доимий равишда ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишни рўёбга чиқармоқдалар. Техникавий ижодкорликни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашмоқдалар.

СОВЕТ ЁШЛАРИНИНГ ахлоқий чиниқишида уларни коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялаш муҳимдир. Йигит-қизларнинг онгида ва хулқида коммунистик идеалларни, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси принципларини қарор топтиришга, ахлоқий нормаларнинг эътиқодга айланишига, актив ҳаётий позицияни тутишига, ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлишни шакллантиришга эришмоқ лозим.

Ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама уйғун камол топтиришда эстетик ва жисмоний тарбия катта ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда шаҳар ёшлари учун 98 маданият саройи ва уйлари, 9 музей, 10 театр ва концерт заллари, 22 та кинотеатр, 15 та спорт майдони ва стадионлари ишлаб турибди. Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида 20 мингдан зиёд йигит ва қиз шуғулланмоқда.

Бироқ ёшларнинг дам олишини ташкил этишда ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Маданият сарайлари, клублар ва стадионлар имкониятларидан фақат 20—30 процентгина фойдаланилмоқда. Баъзан бу ишда расмиятчилик юз бермоқда. Натижада ёшларнинг дам олишида пасткашлик, бемаъни кўнгил очишлар, Ғарбнинг паст савиядаги оммавий маданиятига нисбатан муросасозлик ҳолларига йўл қўйилмоқда. Йигит ва қизларда тўғри эстетик дидни сабот билан шакллантириш, уларда совет авторларининг асарларига, халқ қўшиқларн ва рақсларига, Ватан ва жаҳон классикларининг энг яхши асарларига муҳаббат уйғотиш зарур.

Коммунистик партия ёш авлоднинг ҳаётга ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан соғлом қадам қўйиши учун ҳамма ишни қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозликни ва

2 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ
19 ИЮНЬ, 1985 й.



Тошкент тўқимачилик комбинати қошидаги санитария-медицина бирлашмаси шифокорлари тўқимачиларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш борасида бир қатор ибратли ишларни олиб боришяпти. Бу ерда тажрибали шифокорлар ҳар куни кўплаб беморларни қабул қилишиб, уларнинг тез кун ичида соғайиб кетишлари учун жон куйдиришмоқда. Санитария-медицина бирлашмаси замонавий даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.



СУРАТДА: СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси, терапея бўлимининг мудири Саидкарим Орипов беморни қабул қилмоқда; санитария медицина бирлашмасининг биохимик лабораториясида.

Ҳ. Шодиев фотолари.

ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ



● Сиртқи «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари олдинда боришмоқда.

● Оқшомхонлар оқ доналарни сураётган иккинчи тахтада вазият кескинлашди. Ҳар бир юриш учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин.

Ўтган чоршанба куни, яъни 12 июнда газетамизда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газетхонлари ўртасидаги сиртқи шахмат матчининг иккинчи тахтасида олмаоталикларнинг жавоб юриши эълон қилинган эди. Улар b8 катагида турган шоҳни c7 катагига юришган эди. Шундан кейин оқ доналарда ўйнаётган тошкентлик шахмат мухлислари навбатдаги 34-юришини эълон қилишлари лозим эди.

Ўйлаш учун ажратилган бир ҳафта муддат ўтди. Навбатдаги юриш ҳақида фикр ва мулоҳазалар битилган кўплаб хатлар олдик. Бу сафар газетхонларнинг фикри икки хил бўлди. Баъзилар d1 катагида турган рухни c1 катагига юриш ва қораларнинг фаразинга ҳужум қилишни, баъзилар эса d5 катагидаги филни e6 катагига юришни таклиф этишди. Жумладан пенсионерлар П. Ли, В. Осипов, ТошДУ ўқитувчилари Р. Орипов, Э. Маҳкамов, меҳнат инвалиди В. Ардеев, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг силлиқловчиси Н. Медведев, савдо ходими Ш. Ёқубов, катта инженер М. Акбархўжаева ва бошқалар шундай фикр билдиришди. Бу юриш «Камалак» шахмат клуби томонидан тўғри деб тасдиқланди ва олмаоталик шахмат мухлисларига маълум қилинди.

Бирон сабабга кўра баҳсда иштирок этолмай қолган мухлислар учун иккинчи тахтада қилинган юришларни эслатиб ўтамиз.

1. d4d5 2. c4 dc 3. Kf3 Kf6 4. e3 Cg4 5. C:c4 e6. 6. h3 Ch5 7. Kc3 a6 8. g4 Cg6 9. Ke5 Kd7 10 K:g6hg 11. Ф:f3 Kc6 12. a3 Kb6 13. Ca2 Фd7 14. Cd2 0—0—0 15. 0—0—0 Ka5 16. Крb1 Кас4 17. Cc1 Крb8 18. e4 Фc6 19. Лd3 g6 20. h4 Ce7 21. h5g5 22. Лhd1 Лd7 23. Фe2 a5 24. d5:e4 25. K:d5 K:d5 26. Л:d5 Kb6 27. Л:d7 K:d7 28. Cd5 Фb6 29. C:b7 Kd7—e5 30. Cb7—d5 Cc6 31. Cc1—e3 Ce7—c5 32. Ce3:c5 Фb6: c5 33. Фa6 Крc7 34. Cd5—e6



Шундай қилиб бу партияда юриш навбати олмаоталикларга келди. Ҳурматли газетхонлар, сизлар эса сиртқи шахмат матчи қандай бораётганлиги ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг. Бизнинг адрес: 700047, Тошкент шаҳри ГСП, Ленинград кўчаси, 32 «Тошкент оқшоми» («Дўстлик» матчи»)га. Ўз фикр ва мулоҳазаларингизни 33-08-74, 32-55-32 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

«СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ИНСОН СОҒЛИҒИНИ ХАРОБ ЭТИШИНИ, БЎЛАЖАК АВЛОДЛАРГА ҲАЛОКАТЛИ ТАЪСИР ҚИЛИШИНИ, ЖАМИЯТГА КАТТА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗИЁН ЕТКАЗИШИНИ АҲОЛИГА МАҲОРАТ ВА САБОТ БИЛАН ТУШУНТИРИБ БЕРИЛСИН».

(КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

„ТО" спорт ҳафтаси

«СПОРТ ИНШООТЛАРИ ҲУЗУРИДА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК МАКТАБЛАРИ, ЮГУРИШ ИШҚИБОЗЛАРИНИНГ КЛУБЛАРИ, СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЮРИШЛАРИ, ЧАНҒИ ВА ВЕЛОСИПЕД СПОРТИ, СУЗИШ КЛУБЛАРИ, ГТО КОМПЛЕКСИ ГРУППАЛАРИ, БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР УЧУН СПОРТ КЛУБЛАРИ МУНТАЗАМ ИШЛАМОҒИ КЕРАК. СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ПРОПАГАНДАСИ КУЧАЙТИРИЛМОҒИ ЛОЗИМ».

(КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

КУБОК ЭГАСИ АНИҚЛАНДИ

Ленин районида футбол бўйича район кубоги учун ўтказилган баҳслар якунланди. Учрашувларни кўтаринки ва ҳужумкор руҳда ўтказган Тошкент экспериментал ишлаб чиқариш автокорхонасининг командаси биллур совринни қўлга киритди. Шуни ҳам айтиш керакки, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тренерлик қилаётган Евгений Татикянцнинг шогирдлари ўтган йили ҳам ана шундай муваффақиятга эришган эдилар.

Беллашувлар якунида иккинчи ўринни 1-автомобиль ремонти заводи футбол командаси, учинчи ўринни эса «Средазтранспстрой» трестининг футболчилари қўлга киритишди.

● Донолар бисотидан

СОҒЛИҚ ҲАҚИДА

● Мен биладиган бирдан-бир ғўзаллик — ақли сиҳатликдир.

Г. ГЕЙНЕ.

● Ҳеч ким умри қисқа бўлиб туғилмайди, уни ўзимиз қисқартирамиз; умримиз тугал, аммо уни биз елга совурамиз. Агар оқилона фойдаланилса, умр жуда узоқ нарса.

СЕНЕКА.

● Саломатлик ўзинг учун ҳам, бошқалар учун ҳам буюк инъомдир.

Т. КАРЛЕИЛЬ.

● Инсон — табиатнинг олий маҳсулидир. Бироқ табиат яратган мўъжизалардан баҳра олмоқ учун инсон соғлом, бақувват ҳамда зукко бўлмоғи зарур.

И. П. ПАВЛОВ.

● Бадан роҳати соғлиқда, ақл роҳати билимда.

ФАЛЕС.

● Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

ҲЎЛ МЕВАЛАРДА ҚАНД КЎПМИ?

Ҳурматли редакция! Мен ҳўл меваларни суюб истеъмол қиламан. Баъзилар, меваларда қанд моддаси кўп бўлади, бу одамни семиртириб юборади, дейишади. Шу гап тўғримми!

Қ. ИСЛОМОВА, пенсионер.

Одатда, семиз одамларга кўпроқ ҳўл мева ейиш тавсия этилади. Ҳўл меваларнинг таркибида эса қанд анчагина учрайди, маълумки семиз одамлар қанд емаслиги керак дейилади. Лекин қандининг бир неча тури бор. Шулардан сахароза ва глюкоза деган турлари организмда ёғ ҳосил қилади. Улар тез ҳазм бўлиб, қонда анча вақтгача сақланиб туради.

Қандининг фруктоза ва лактоза деган турлари ҳам борки, улар суст ҳазм бўлади ва қон таркибидан глюкозага нисбатан тезроқ йўқолади. Бу турдаги қандларнинг кўп қисми жигарда ушланиб қолиши туфайли, қонда узоқ вақт турмайди. Умуман фруктоза модда алмашинуви жараёнига осон киришади. Ана шуларни ҳисобга олиб, қайси меваларда қандай моддалар борлигини процентини билан келтирамиз:

Сахароза: шафтолида 5,0 —7,1 олхўрида 4,0— 9,3, ўрикда 2,8 — 10,4, олмада 1,5 — 5,3, нокда 0,4— 2,6 процент;

Глюкоза: узумда 7,2, хурмода 6,6, шафтолида 4,2— 6,9, олчада 3,8 — 5,3, олмада 2,5— 5,5, ўрикда 0,1—3,4 процент;

Фруктоза: хурмода 9,2, узумда 7,2, олмада 6,5 —11,8, нокда 6,0— 9,7, шафтолида 3,9 — 4,4, ўрикда 0,1— 3,0 процент бўлиши аниқланган.

Сут ва сут маҳсулотларида эса ўз хусусиятига кўра, фруктозага яқин келадиган лактоза қанди ҳам бўлади.

Фойдали ана шу неъматларни назарда тутиб, семиз одамларга кўпроқ сутли таомлар ва мева тановул қилиш тавсия этилади.

Шуни айтиш керакки, таркибида фруктозадан ташқари сахароза нисбатан кўпроқ учрайдиган олма, шафтоли, олхўри каби мевалар ҳам организмда қанд миқдорини кўпайтириб юбормайди.

Одам организми кунига 50—100 грамм қанд талаб қилади. Ёши кекса, камҳаракат ва семиришга мойил кишилар қандни жуда кам истеъмол қилишлари керак. Шуни билиш керакки, қанд миқдори ортиб кетганда организм қабул қилган бошқа маҳсулотлар осонгина ёғга айланишига сабаб бўлади.

Қанд кўп ейилаверса, қонда гипергликемия рўй беради, яъни қонда қанд миқдори ортиб кетади. Натижада ошқозон ости безининг фаолияти бузилиши мумкин, қон таркибида эса холестерин миқдори кўпайиб, қон томирлари девори қаттиқлашади ва ичак фаолияти бузилади.

Маълумки, қанд организм учун жуда керакли ва тўйимли озуқадир. У жигар ва мия фаолиятини яхшилайди, мускулларнинг, шу жумладан юрак мускулларининг озиқланишида катта роль ўйнайди.

● Тажрибада аниқланган

АЛКОГОЛНИНГ ЗАРАРЛАРИ

● Олимларнинг аниқлашларича, ичкиликбозлар орасида 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган кишиларнинг турли касалликлар билан ўлиши спиртли ичимлик ичмайдиган шу ёшдаги одамлар ўлимига нисбатан анча кўп экан.

● Тозаланмаган спирт, денатурат, самогон каби турли ясама арақлар нерв системаси учун ниҳоятда зарарлидир. Улар одамни қаттиқ заҳарлайди, кўр қилади, кўпинча ўлимга олиб боради.

● Алкоголь—оғу, у организмни аста-секин шакшубҳасиз ишдан чиқаради, хаётга бўлган орзу-ҳавасни сўндиради, қанчадан-қанча истеъдодли одамларни заҳоб қилади, инсонлар қадрини пойлол этади, аксари жиноятлар ва фалокатларга олиб боради.

● Ичкиликбозлик бевақт ўлимга олиб келади. Баъзи ўлим ҳоллари бевосита алкоголь таъсирига боғлиқ. Маст кишилар кўпинча шикастланиш туфайли ҳалок бўладилар.

● Ичкиликбоз ота-онадан ақли заиф, ногирон, ҳатто майиб-мажруҳ болалар туғилади. Мастлик ҳолатида бола бўлиб қолгандан ҳомила нотўғри ривожланади. Бола ой-куни тўлмай тушиши, ногирон—чўлоқ бўлиб туғилиши мумкин. Шунинг учун ҳам никоҳ кечаси келин-куёвга ичкилик берилмайди.

● Алкоголизм аёлларда эркакларга нисбатан оғирроқ кечади. Биринчидан, аёл эркакка нисбатан тезроқ алкоголга ўрганиб қолади. Агар эркак алкоголизмга учрашк учун 7—10 йил мунтазам ичиши керак бўлса, аёл эса 1—3 йил мобайнида ичкиликка ўрганиб қолади. Ичкиликбоз аёлларнинг кўпчилигида оналик меҳри, онла ва болалари олдидаги масъулият ҳисси йўқолади.

● Мунтазам ичиб юриш ички аъзоларни аста-секин емиради, ақлни пасайтиради, жисмоний дармонсизликка олиб келади, иш қобилиятини ва иродани сусайтиради.

М. ОРИФЖОНОВА тўплаган.

Тиш оғриғини билмасиз. Бир бошласа дунё кўзингизга қоронғу кўриниб кетади. Узингизни қўйгани жой тополмай қоласиз. Улуғ Гётедек одам у ҳақда поэма ёзган дейишади. Хуллас, 7-стоматология поликлиникасига мана шу тиш оғриғи етаклаб келди.

Лекин ҳозир Қорақамишда жойлашган бу мўъжаз, аммо юлдузи иссиқ шифохонанинг таъриф-тавсифини қилмоқчи эмасман. Гап бу гал бошқа нарса ҳақида.

Қайси куни яна тиш сабаб поликлиникага ўтган эдик. Эълонга кўзимиз тушди: «Якшанба куни соат ўн яримда 7-стоматология поликлиникаси ва ТошМИ даволаш факультети футбол командалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлади. Қизиққанлар ТошДУ спорт комплексига таклиф қилинади».

Доктор қабулига кирар эканмиз, пайтини топиб, эълондан гап очдик.

— Ҳа, шундай клубимиз бор,— жавоб қилди врач Рихси Махсудович.

— Қандай? Қандай қилиб? Бу, ахир катта гапку!

— Жуда қизиқсангиз, ишдан кейин келинг гаплашамиз, — гапни қисқа қилди врач.

Кечқурун суҳбатимиз ғоят самимий кечди.

— Ҳафтада икки марта мунтазам кеч соат саккиздан ўнгача шуғулланамиз. Икки ҳафтада бир — якшанба куни учрашув қиламиз. Ўйинчиларимизни бир кўрсангиз...

— Бироз ошириб юбораяпсиз. Кун бўйи ишлаб, кечқурун яна икки соат югуришга ҳол қоладими?

— Биласизми,—бироз ўйланиб қолди-да сўнг салмоқланиб давом этди,— материал ёки машина ишлатилган сари эскириб, емирилиб, тўзғиб боради. Лекин инсон организми шундай бир мўъжизаки, ҳаракатланган сайин яшнайди. Аксинча, туриб қолса тез ишдан чиқади. Шунинг учун ҳам қадим юнон ҳакимлари «Ҳаракат — бу ҳаётдир», деганлар. Демак, ҳаракат бу ҳаётий зарурат. Тўғри, баъзилар эрталаб югуришади. Айримлар кечки сайрни хушлашади. Яна бирлари волейбол-бадминтон дегандек.

Мен футболни яхши кўраман. Шундайлардан ҳозир поликлиникада 23 кишимиз. Команда капитани —терапия бўлимининг бошлиғи Сирожиддин Расулов. Буларнинг қайси бирини айтсам экан. Келинг, яхшиси, хирург Меҳриев, терапевт Жумагалиев, протезистлар — Салимов, Акрамов, Саъдуллаевларнинг ўйинини бир кўринг. Умрзоқов, Тошкенбоев, Йўлчиев, Азимхўжаев, Дадабоевларга ўхшаган техникларни айтмайсизми. 6-номердаги Ҳамидулла эса тараф йўқ...

Суҳбатдошим завқ билан тўлиб-тошиб гапирар эди.

— Ишга ҳам фойдаси тегадими? — қизиқсиниб сўрадик.

—Бўлмасам-чи!—ажабланган қарайди доктор. — Ҳар куни ишга қушдай енгил келасиз. Кун бўйи турсангиз ҳам чарчаш нималигини билмайсиз. Кайфият-чи кайфият. Сиздаги бардамлик, тетиклик атрофдагиларга албатта юқади. Бу — жуда муҳим. Кейин яна бир нарсани кузатдик. Бюллетенлар кейинги икки йилда кескин камайди.

— Ҳа, врачнинг соғлом бўлганига нима етсин.

— Врачнинг касал бўлишга ҳаққи йўқ,— у буни кескин, шахт билан айтди. Сўнг осойишта давом этди, — ахир ўзини даволай олмаган докторга ким ишонади? Кечирасизу, ичкиликка муккасидан кетган, ҳамманинг кўзида папироси бурқситиб юрадиганларга тоқат қилолмайман. Эсингиздами, бир вақтлар «Крокодил»да шундай сурат босилган эди: Тиш доктори кабинети эшигидан бошини чиқариб «Шледующий» деб турибди. «Сени ҳам айтолмайди. Ароқ уни шу кўйга солган. — Ўзинда битта, айри омочдай тиш қолган. Жуда қаттиқ таъсир қилган эди менга...

Спортнинг оммавийлиги нима? Бу, бир гуруҳ кишиларнинг эмас, ҳамма-ҳамманинг спортни ўз ҳаётий эҳтиёжи деб билишидир, бу ҳар бир кишининг спорт билан онгли равишда шуғулланишидир.

Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

СУРАТДА: команда спортчилари.

● Энг яхши муолажа

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...



алкоголизмни бартараф этиш чоралари тўғрисида»ги қарори, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг ана шу социал иллатга қарши кураш олиб боришга доир ҳужжатлари инсонпарварлик мақсадлари билан суғорилгандир. Коммунистик ахлоққа зид бўлган барча нарсаларга қарши бундан буён ҳам қатъият билан курашиш, ёшлар ўртасида жамият манфаатларига хилоф хатти-ҳаракатларни ва кўринишларни таг-томири билан юлиб ташлашга эришиш керак.

Республиканинг бир қатор шаҳарларида турар-жойларда ўсмирлар клубларини ташкил қилиш борасида фойдали тажриба тўпланди. Уларда спорт, техника ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди. Бу практиканы ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш зарур.

Ватанпарварлик ва интернационализм — ёшларнинг онглилиги, ғоявий етуклиги, ахлоқий поклигининг жамул-жам ифодасидир. Йигит ва қизларни ватанпарварлик, интернационал руҳда тарбиялаш — партия, совет, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг доимий ишларидир. Ёшларда ватанпарварлик ва интернационализм туйғуларини тарбиялар эканмиз, улар ўртасидаги сиёсий ғофиллигинг ҳар қандай кўринишларига қақшатқич зарба бериш зарур. Идеологик кураш кучайган шароитда, совет кишиларидан, шу жумладан, ёшларимиздан сиёсий ҳушёрликни, юксак ватанпарварлик кайфиятини, жамият олдида турган вазифаларни ҳал қилишда, Ленин сўзи билан айтганда, куч-ғайратни инқилобий тарзда кўпайтириш талаб қилинаётган ҳозирги пайтда бу, айниқса, муҳимдир. Бизнинг ёшларимиз ватанпарварлик табиий нормага айланган мамлакатда яшамоқдалар, ўқимоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Улар кўпмиллатли социалистик Ватан ҳавосидан нафас олмоқдалар. Ана шу мамлакатнинг муносиб йигит ва қизлари бўлиш ҳар бир граждан учун буюк бахтдир.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг бир қатор форма ва методларини бирлаштирган комсомол-ёшларнинг революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати жойлари бўйлаб Бутуниттифоқ походи авлодларнинг ўзига хос эстафетаси бўлиб қолди. Республиканинг 2,5 миллиондан зиёд йигит ва қизлари ажойиб мураббийлар, революция, уруш, меҳнат ветеранлари бошчилигида қидириш ишларини олиб бормоқдалар. Минглаб номаълум солдатларнинг исм-шарифларини тиклamоқдалар. Ветеранлар, инвалидлар, ҳалок бўлганларнинг оилаларига оталиқ қилмоқдалар. Қаҳрамонларнинг номларини ўз меҳнат коллективларига қўшмоқдалар. Йигит-қизларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш учун ана шу ишни тобора ривожлантириш — катта авлод вакилларининг, аввало, коммунистлар, ветеранлар, ёш авлод мураббийларининг энг муҳим вазифасидир.

Ёшларда синфий онглиликни тарбиялашда анъаналар ва байрамларнинг роли каттадир. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилиш кунларида оммавий юришлар, намойишлар, митинглар, уруш ветеранларини шарафлаш ташкил қилинди.

КАТТА АВЛОД кишилари жасоратига мурожаат қилинар экан, ёшларга асосий нарсани — ветеранлардан жангларда тобланган характерларни, қатъиятни, жасоратни, ғалабага бўлган ишончни, Ватанга муҳаббатни, дўстлик ва ҳамкорлик меросини қилиб олиш ҳиссини сингдириш даркор. Бунда ватанпарварлик тарбияси, СССР халқлари дўстлиги руҳида тарбиялаш вазифалари ёшларни пролетар, социалистик интернационализм руҳида, интернационал бурчни юксак тушуниш руҳида тарбиялаш вазифалари билан чамбарчас боғлаб олиб борилиши лозим. Советлар мамлакатининг ёш авлодида миллатчилик психологиясига ва буржуа миллатчилик пропагандасига нисбатан муросасизлик бўлиши, миллийликни миллатчиликдан, ватанпарварликни миллатчилик ва миллий худбинликдан фарқ қила олиш маҳорати бўлиши керак.

Ёш авлоднинг орзу-умидлари ва ташвишлари замоннинг энг муҳим масаласи — Ер юзида тинчликни ва ҳаётнинг ўзини сақлаб қолиш билан узвий боғланган. Истиқбол уфқлари АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари кўраётган ҳарбий тайёргарликлар, империализмнинг босқинчилик интилишлари туфайли хиралашиб турибди. Коммунистик партия ва Совет давлати халқаро иқлимни соғломлаштириш учун изчиллик ва қатъият билан актив чора-тадбирларни кўрмоқда. Бу чора-тадбирлар термоядро ҳалокатининг олдини олишга қаратилгандир. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, ташқи сиёсат соҳасида бизнинг йўлимиз аниқ, равшан ва изчилдир. Бу тинчлик ва тараққиёт йўлидир. Совет Иттифоқи хайрли ишларга, соғлом ҳоҳиш-иродага ҳаммавақт хайрли ишлар ва соғлом ҳоҳиш-ирода билан, ишончга ишонч билан жавоб беради.

Шу муносабат билан шу йил 27 июлдан 3 августгача Москвада ўтадиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали шиори — «Империализмга қарши бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун» рамзийдир. Унда 150 мамлакатдан келадиган йигит ва қизлар қатнашади. Мазкур ваколатли анжуман жаҳон демократик ёшлари бирлигини янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилишга даъват этилган. Фестивалнинг кўп сонли қатнашчилари ва меҳмонлари Советлар мамлакатининг ёшлари жамиятимизнинг барча жабҳаларида қандай реал ҳуқуқлар ва имкониятлардан фойдаланаётганликларини ўз кўзлари билан кўрадилар.

Империализм ва реакция кучлари халқаро ёшлар ва студентлар ҳаракатини бўлиб ташлашга, Москва фестивали ғояларини обрўсизлантиришга бўлган интилишларидан воз кечмаётганликлари бугунги кунда аниқ, равшан бўлиб қолди. Ямайкада жаҳон санъат фестивали ва халқаро ёшлар конференцияси деб аталмиш анжуманнинг ўтказилиши ана шундай очиқ-ойдин ва беҳаёларча қилинаётган қўпорувчиликдир. Ёшлар эҳтиёжларига ҳамиша хасислик қилиб келган Американинг давлат ғазнаси ана шу антикоммунистик йиғилишга жуда катта маблағ ажратди. Империализм ва реакция уни Москвадаги Ёшлар ва студентлар XII Жаҳон фестивалига қарамақарши қўйишни хоҳламоқда. Неофашистик, сионистик ва диктаторлик ҳамда ирқчи режимлар билан боғлиқ ёшлар ташкилотларидан бошқа ёшлар ташкилотларининг аксарияти ана шу америкача томошада қатнашишдан бош тортдилар. Москва фестивалига қарийб 18 минг хорижий ва 2 минг совет делегати келиши кутилмоқда. Фестивални томоша қилгани 10 мингга чет эл ва 12 минг совет туристлари, 300 нафар фахрий меҳмон, 600 дан кўпроқ чет эл журналисти ташриф буюради.

Ўзбекистон ёшлари фестивалда қатнашиш ҳуқуқини олиш учун мусобақада ғайратшижоат ва ижодий ташаббус кўрсатмоқда. Бунда иш йўналиши аниқ белгиланган. Ҳар бир киши умум меҳнатига конкрет ҳисса қўшиши керак. 116 нафар йигит ва қиз, шу жумладан, СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларнинг 47 депутати, мамлакат ва республика Ленин комсомоли мукофотларининг 16 лауреати делегат бўлишдек фахрий ҳуқуққа эришдилар. 960 нафар энг яхши ёш ишлаб чиқариш ходими жаҳон ёшлари анжумани қунларида турист сифатида Москвага боради. Улар орасида 150 тошкентлик ҳам бор.

Республиканинг кўпгина меҳнат коллективлари фестиваль топшириқларини бажармоқда. Ўзбекистон комсомол ва ёшлари июнь ойигача фестиваль фондига 2 миллион сўмдан кўпроқ маблағни ўтказдилар. Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг студент отрядлари ўзларининг меҳнат семестрларини Москва фестивалига бағишлайдилар. Юқори синф ўқувчиларидан 800 минг ёшни ўзига бирлаштирадиган меҳнат отрядлари ёзги каникулда корхоналар ва хўжаликларга кўмакка боради. Ёш ишчилар, инженерлар, мутахассислар фестиваль рамзи туширилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга оталиқ қилмоқдалар. Умуман олганда мамлакат бўйича 4 минг хил ана шундай маҳсулотлар тайёрланади. Республикамиздаги енгил, озиқ-овқат, мебель, маҳаллий саноат корхоналари фестиваль эмблемаси бўлган 115 хил маҳсулот тайёрлайди.

РЕСПУБЛИКА комсомол ташкилотларининг 29 июнда комсомол-ёшлар шанбалигини ўтказиш ва уни XII Жаҳон фестивалига бағишлаш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватласа арзийди.

Тошкентнинг минглаб йигит ва қизлари мамлакатимизнинг барча ёшлари қатори XII жаҳон ёшлари ва студентларининг фестивалини ўтказиш бўйича тайёргарлик ишларида қизғин иштирок этмоқдалар.

Бугунги кунда фестиваль фонди ҳисобига ёшлар шанбаликларида ишлаб топилган 60 минг сўмдан зиёд маблағ ўтказилди.

Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводининг ёш ишчилари «XII жаҳон ёшлари ва студентларининг фестивалига —12 зарбдор меҳнат ҳафтаси» ташаббуси билан чиқдилар. Бу ҳафталикларда заводнинг 40 та илмий-техника ишини жорий этишни жадаллаштириш, 4 тонна металл, 100 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаш кўзда тутилган. Фестивалга тайёргарлик пайтида 65 та тепловоз секциясини қайта тиклаш, планга қўшимча равишда 6 минг сўмлик саноат маҳсулоти тайёрлаш, мўлжалланмоқда. Ишлаб топилган маблағларнинг бир қисми фестиваль фондига ўтказилади.

Йирик саноат корхоналари, чунончи «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд», «Ташсельмаш» заводлари ва бошқа корхона ва ташкилотларда ўзига хос жажжи фестивалар ўтказиладики, уларда ёшларнинг социалистик мусобақада қандай иштирок этганлиги, ижтимоий активлиги текшириб кўрилади.

Шаҳар комсомолларининг, шу жумладан «Малика», кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмалари, бадиий буюмлар фабрикаси ёшлари фестиваль рамзи туширилган кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқармоқдалар.

Тошкент Давлат консерваториясининг студентлари фестивалга бағишланган концерт программаси тайёрладилар. Улар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари, В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти курсантлари, ТошДУ, ТошПИ студентлари ва бошқа кўпгина коллективлар ҳузурида концертлар қўйиб беришди. Булар ҳаммаси ёшларнинг жаҳон анжумани шарафига қўплаб ташаббусларининг бир қисми, холос.

Маълумки, капиталистик ривожланиш босқичини четлаб, социализмга ўтган республикамизнинг тарихий ютуқлари Ўзбекистонга келадиган Осиё ва Африка мамлакатлари ёшларини, фестивалнинг кўпгина делегацияларини қизиқтириши турган гап. Улар корхоналарда, хўжаликларда, музей ва маданият саройларида, ўқув юртларида бўладилар. КПСС ленинча миллий сиёсати тантанасини конкрет мисолларда ўз кўзлари билан кўрадилар. Социализм тўғрисидаги, унинг реал афзалари ҳақидаги ҳақиқат коммунизм қуриш учун тарихий курашдаги, ёшларда революцион онглиликни шакллантиришдаги қудратли қуролимиздир.

Совет ёшлари қўлга киритаётган барча муваффақиятлар Коммунистик партия билан чамбарчас боғликдир. Ленин комсомоли ана шу партия раҳбарлигида яшамоқда ва курашмоқда. Унинг кучи ва мустаҳкамлиги, эришадиган ютуқларининг муваффақияти партия раҳбарлигидадир. Комсомолга партия раҳбарлиги планли равишда олиб борилиши, бир системада амалга оширилиши, ёшлар союзи барча бўғинларининг актив, аниқ мақсад йўлида ҳаракат қилишини таъминлаши лозим. Ёшлар ўртасида рўй бераётган социал, ғоявий жараёнларга мунтазам равишда чуқур кириб бориш, ана шу жараёнларни мунтазам равишда таҳлил қилиш, комсомол ташкилотларига асосий йўналишларни, иш олиб боришнинг анча таъсирчан шаклларини танлашда ёрдам бериш ғоятда муҳимдир.

Комсомолларни, йигит ва қизларни очиқ партия йиғилишларига таклиф қилиш, ҳақиқий комсомол етакчиларини партия комитетлари ва бюролари составига сайлаш, комсомолда тарбияланган энг яхши ёшларни партия сафига қабул қилиш практикаси тарбиявий ишга самарали таъсир кўрсатади. Турар жойларда айниқса, ётоқхоналарда ёшлар билан ишлашни яхшилаш зарур. В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилотига раҳбарлик қилишни ҳам яхшилаш керак. Ҳар бир отрядда қизиқарли, ғоявий ва эмоционал жиҳатдан бой бўлган пионер ишлари олиб борилиши, пионерлар ва октябрятларда тўғри ҳаётий позициянинг мустаҳкам асослари тарбияланиши муҳимдир.

Оилада, ўрта ва олий мактабда, меҳнат коллективида, пионер ва комсомол ташкилотларида олиб бориладиган таълим ва тарбиявий бутун вазият коллективчилик, ғоявийлик руҳи билан, тайёрга айёрлик, молпарастлик, бизнинг ахлоқимизга, ҳаётимиз ва меҳнат тарзига зид бўлган барча нарсаларга лоқайдликка муросасизлик руҳи билан суғорилиши, ҳар томонлама ривожланган шахсни камол топтиришга актив кўмаклашиши даркор.

Ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланган. Газета ва журналларнинг редакциялари, радио ва телевидение ёшлар мавзусини хилма-хил қилишлари, уларнинг ғоявий мазмунини, мақолалар ва эшиттиришларнинг профессионал савиясини оширишлари, комсомолга ва ёшлар билан ишлашга партиявий раҳбарлик практикасини тўлароқ ёритишлари, комсомол етакчиси образини тўлақонли очишлари керак.

Республика партия комитетлари ва совет органлари Халқаро ёшлар йилида Ўзбекистон комсомолига катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Бизда махсус ҳукумат комиссияси ишлаб турибди. У Халқаро ёшлар йили тадбирларини Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб бормоқда, XII Жаҳон фестивалига тайёргарлик кўрувчи Совет комитетига ёрдам бермоқда.

Партия ва ҳукуматнинг оталарча ғамхўрлигига меҳнатда, ўқишда, ҳарбий хизматда конкрет муваффақиятлар билан жавоб бериш, КПСС XXVII съездини, Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб кутиб олиш, ер юзида тинчлик учун актив курашиш, коммунистлар билан бир сафда бориш, қалбларда Улуғ Октябрнинг қизил байроғига бўлган садоқатнинг муқаддас ўтини сақлаш барча йигит ва қизларнинг юксак гражданлик бурчидир.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент БЕТ. ОҚШОМИ

19 ИЮНЬ, 1985 й.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
28 ИЮНЬ СОАТ 20.00 ДА,
29, 30 ИЮНЬ СОАТ 16.00 ВА 20.00 ДА
РЕСПУБЛИКАДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ДАВЛАТ «ЯЛЛА» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Бадиий раҳбар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фаррух ЗОКИРОВ.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14. дан 19.00 гача сотилади.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
Тошкент Ҳунар-техника таълими бошқармаси
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги базасидаги
32-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1985-1986 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича
8-10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

конфетчи, қандолатчи, новвой, совутиш қурилмаларини ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик, нон ёпиш саноати машина ва ускуналари созловчилари, саноат ускуналарининг ремонтчи-слесарлари (нон заводлари учун).

Ўқиш муддати: ўрта маълумотлилар учун — 1 йил,
8-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 2 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар 8-синф маълумотига эга бўлганлар учун 3 маҳал бепул овқат, формали кийим-бош, яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 проценти миқдорида пул мукофоти оладилар.

Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларга ойига 30 сўмдан стипендия берилади, ҳамда яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Билим юртн қошида кечки мактаб ишлаб турибди.

Турли спорт секциялари,бадиий ҳаваскорлик ва бошқа тўгараклар мавжуд.

Билим юрти битирувчиларга ихтисоси бўйича 3—4 разряд берилади. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртига юборилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй, (16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти», 21, 49-автобусларнинг «Нон заводи», 3, 23, 29-трамвайларнинг «Фронтовая кўчаси» бекатлари).

ПЛЯЖДА ЖАЗИРАМАЛИ КУН



«БАХТ» ВА «РОҲАТ» ДАМ ОЛИШ ЗОНАЛАРИДА, МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИДА ЯХНА ИЧИМЛИКЛАР— ЛИМОНАД, КВАС, ШАРБАТЛАР, ТОШКЕНТ МИНЕРАЛ СУВИ ВА МУЗ ҚАЙМОҚ ДАМ ОЛУВЧИЛАР УЧУН МУҲАЙЯ ЭТИЛГАН.

«ТАШЛИМВОДТОРГ» (телефон 56-75-97).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

СИЗГА ҚАНДАЙ СУМКАЛАР КЕРАК?

20—23 ИЮНЬ КУНЛАРИ

МАРКАЗИЙ

УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА

ТОШКЕНТ ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ ВА СПОРТ МОЛЛАРИ БИРЛАШМАСИНИНГ БУЮМЛАРИ САВДО-КЎРГАЗМАСИДА

САФАР ВА ХЎЖАЛИК МАҚСАДЛАРИДА ҲАМДА ИШ ВА ТЕАТРГА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН

СУМКАЛАР

НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ ВА СОТИЛАДИ

СИЗДАН САВДО-КЎРГАЗМАСИ, МОЛЛАРНИНГ АССОРТИМЕНТИ ВА СИФАТИ, ИСТИҚБОЛЛИ МОДЕЛЛАР ҲАҚИДАГИ ТАКЛИФЛАРИНГИЗНИ «МУЛОҲАЗАЛАР ДАФТАРИ»ГА ЁЗИБ ҚОЛДИРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

ЦУМ (телефон 33-20-95).





БУЮМЛАР ПРОКАТИ

Спорт — туристик анжомлари ва хўжалик буюмлари, телевизор ва радио аппаратуралари, электр асбобларини прокатга олиш ғоятда

ҚУЛАЙ ВА ҚАМ ХАРАЖАТЛИДИР

ПРОКАТ САЛОНЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

Б. Хмельницкий, кўчаси, 85-уй;
Ш. Руставели кўчаси, 132-уй;
Ҳ. Олимжон кўчаси, 12«а» уй (метронинг «Ҳамид Олимжон» станцияси);
Високовольтная кўчаси, 31-уй. Телефон 62-54-53;
Тошкент трактор заводи;
Беруний проспекти, Марказ— 27 квартали, 2-уй. Телефон 42-23-62;
Сергели — 2 массиви, 8-уй;
Ойбек массиви, Собир Раҳимов район; Тошмуҳамедов кўчаси;
Юнусобод массиви, СВ-46, 27-уй, 12-квартира.
Полторацкий кўчаси, 4-уй;
Машраб кўчаси, 58-уй, Мевазор маҳалласи (Чилонзор райони),
Чилонзор массиви; 17 квартал, 50-уй;
Сельмаш кўчаси, 1-уй;
Зиё Саид кўчаси, 372 «а» уй, Маиший хизмат кўрсатиш уйи (Акмал Икромов райони);
Уйғур кўчаси, Маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчаси (Акмал Икромов райони);
Яқин кунларда Чилонзор массивидаги 16 квартал, 11-уйда янги прокат салони очилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ТААЛЛУҚЛИ БАРЧА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА 065 ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.



«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

«ТАШХЛЕБТОРГ»
НОН ВА НОН-БУЛКА МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА КИЧИК СОТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 18—30 ЁШДАГИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчиларга ўқишнинг 1 ва 2 ойларида 52 сўм 50 тийин, 3 ойда эса 56 сўм стипендия тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Курс талабалари бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ўқишлари ҳам мумкин.

3 ОЙЛИК ЎҚИШ ТУГАГАНДАН СЎНГ ЎҚУВЧИЛАРГА «КИЧИК СОТУВЧИ» МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ ВА УЛАР «ТАШХЛЕБТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА ИШГА ЙЎЛЛАНАДИЛАР.

КИРУВЧИЛАР паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3 та фотосурат (3х4 см. ҳажмда), **меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, сўнгги иш жойидан характеристика, директор номига ариза топширадилар.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Темирязев кўчаси, 28-уй (3, 22, 23, 29-трамвайлар; 19, 89-автобусларнинг «Темирязев кўчаси» бекати). Кадрлар бўлими. Телефонлар 35-41-31, 35-40-31, 35-43-41.

ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ ВЛАДИМИР, УФА, ЧИМКЕНТ ЎРТА МАКТАБЛАРИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 йил. Ўқишга кирувчилар рус тили (ёзма), **СССР тарихи** (оғзаки)**дан кириш имтиҳонларини топширадилар.**

Ички ишлар министрлигининг мактабларига Совет Армияси сафларида муддатли хизматни ўтаган ва 27 ёшдан катта бўлмаган эркаклар қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга мактабни битирганларидан кейин ички ишлар хизмати лейтенанти унвони ва юрист дипломи берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ўрта маълумоти тўғрисида (асли), аттестат, ишлаб чиқариш ёки хизмат характеристикаси, комсомол характеристикаси, меҳнат дафтарчаси, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома кўчирмалари; ҳарбий билет, паспорт.

Қуйидаги адресда шахсан маълумотлар олиш мумкин: Тошкент шаҳри, ГПС, Куйбишев шоссеси, 25-уй, 213-хона, кадрлар бўлими (12, 26, 37э, 52, 68э, 183-автобусларнинг «Узбумкомбинат» бекати).

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Педагогика кўчасида водопровод трубаси ётқизилиши муносабати билан
22 июнь соат 10.00 дан
24 июнь, соат 05.00 гача
ПЕДАГОГИКА КЎЧАСИДА ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ
ТЎХТАТИЛАДИ
3-ТРОЛЛЕЙБУС МАРШРУТИ БЕКИТИЛАДИ.
11-ТРОЛЛЕЙБУС МАРШРУТИ— **Чилонзор массиви, 20-квартал— Педагогика институти оралиғида қатнайди.**
16-ТРОЛЛЕЙБУС МАРШРУТИ— **Домбробод массиви, Волгоградская кўчаси, Ш. Руставели кўчаси Ғафур Ғуломов майдони оралиғида қатнайди.**
97-АВТОБУС МАРШРУТИ—**Юнусобод массиви — Марказий бозор оралиғида қатнайди.**
Тошкент шаҳар ижроия комитетининг трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси.

ИТЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Итларни профилактик ветеринария ишловидан ўтказиш ва қайд қилиш муддати
30 ИЮНДА ТУГАЙДИ
1 июлдан бошлаб белгиланган муддатда қайд қилинмаган, янги сотиб олинган бўлса турар жойларда ва ветеринария шифохоналарида ветеринария ишловидан ўтказилмаган ҳамда беш кун ичида қайд этилмаган итлар
ОЛИБ КЕТИЛАДИ
Ёдингизда бўлсин, квартирадан, уйдан ташқарида эгасиз юрган итлар дайди ит ҳисобланади ва қондага кўра олиб кетилади.
ТОШКЕНТ ШАҲАР ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ СТАНЦИЯСИ.

Тошкент область Бўстонлиқ районидаги К. Маркс номли 43-ўрта мактаб томонидан **Аҳмедова Боғда** номига берилган 438595 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар «Ташгорфото» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 54473 дан 54475 гача ва 463000 дан 463099 гача номерлардаги йўқолган
КВИТАНЦИЯ ДАФТАРЧАЛАРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 40-ўрта мактаб томонидан **Қосимов Дилшод Халимович** номига берилган 557285 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги 124-ўрта мактаб томонидан **Ҳусанова Наргиза Шукуровна** номига берилган 302469 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Усимлик моддалари химияси институти коллективи институт катта илмий ходими, химия фанлари кандидати Ш. З. Қосимовга отаси
Зоҳид ҚОСИМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент парфюмерия-косметика фабрикаси коллективи фабриканинг кекса ходими
Зоҳид ҚОСИМОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТВ

Чоршанба

19 ИЮНЬ

● МТ I

18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.00 Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильмлар.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». С. Островой поэзияси.
19.55 «Сирли қутича». Мультфильм.
20.05 «Агар соғлом бўлай десанг». «Юракнинг жисмоний тарбияси». 2-кўрсатув.
20.20 И. С. Тургенев. «Ва менинг образим сенга намоён...» Фильм-концерт. СССР халқ артистлари Е. Образцова ва А. Попов иштирок этади.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Нефтчи» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. Бокудан олиб кўрсатилади. «Днепр» — «Зенит». 2-тайм. Днепропетровскдан олиб кўрсатилади.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.20 М. В. Ломоносов номидаги МДУ фортепьяно класси халқ коллективи қатнашчилари ижро этади.
19.35 «Балабага бир йил қолганда». Телефильм премьераси.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Кўрсичқон-рассом». Мультфильм.
20.50 «Вахта». Ала-Тоонинг Кунгей тизма тоғларидаги «Восточная» станциясининг ходимлари ҳақида.
21.05 «Африка оҳанглари».
21.30 «Время».
22.00 «Бир ёз хроникаси». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.10 РСФСР халқ артисти А. Тихонов чалади (балалайка).

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Чирилдоқ». Мультфильм.
18.25 «Инсон болаликдан бошланади».
18.55 «Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?» «Поезддаги бир неча интервью» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Опера театри солистлари». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти А. Азимов олиб боради. ЎзССР да хизмат кўрсатган артист Т. Ҳусанов ва Г. Зокирова иштирок этади.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Карим. «Ой тутилган тунда». А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг спектакли.
21.30 Москва. «Время».
22.00 М. Карим. «Ой тутилган тунда». А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг спектакли (давоми).
23.30 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Абитуриент-85». Биология.
18.40 «Оперетта шинавандалари учун».
19.20 «Фан-техника тараққиёти — халқ хўжалигига».
19.50 «Оқ йўл». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Совет киноси усталари». СССР халқ артисти Г. Юматов.
21.15 «Синегорье — Ватаним менинг». Телефильм.

Пайшанба

20 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Қувноқ стартлар».
10.40 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.40 СССР Мудофаа министрлиги биринчи алоҳида намунали оркестрининг концерти.
12.55 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Мактаб, завод, оила». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 В. Моцарт. Скрипка ва оркестр ижроси учун 5-концерт.
16.35 «Рус тили».
17.05 Болалар учун фильм. «Каштанка».
18.10 УССР халқ артисти О. Басистюк куйлайди.
18.35 «Истеъдод». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, РСФСРда хизмат кўрсатган бинокор В. П. Сериковнинг ёш қурувчилар билан учрашуви.
19.05 «Хўтикчанинг орзуси». Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.15 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Уруш эсга тушганда...» Москва — Сан-Диего телекўприги (Калифорния, АҚШ).
23.30 «Сенинг образинг». Фильм-концерт премьераси (Кишинёв).
23.55 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Бир ёз хроникаси». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
10.25 «Онамларнинг мактаби».
10.55 Мультфильмлар: «Машенька ва айиқ», «Нўхатчалар», «Бувимнинг туғилган куни».
11.30 «Бил ва уддала».
12.00 В. Панова асарлари асосида кўрсатув.
12.55 Н. А. Римский-Корсаков.
14.05 Испан тили.
14.35 «Мен — актриса». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.05 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Шахмат мактаби». «Оқ руҳ».
19.20 «Карадаг». Шарқий Қрим ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳайкал». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.00 «Социалистик мамлакатлар дўстлик кубоги». Спидвей бўйича халқаро мусобақалар.
21.30 «Время».
22.05 «Бир ёз хроникаси». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
23.15 «Хореографик миниатюралар». Фильм-концерт.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Болалар учун фильм. «Дастлабки қадамлардан бошлаб».
10.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
11.40 Телевизион театр. М. Зошченко. «Қилмиш — қидирмиш».
12.30 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Абитуриент-85». Тошкент Давлат алоқа электротехника институти (рус.).
18.40 «Иккинчи она тилимизни ўрганамиз».
19.10 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Олам дарди адиб қалбида».
20.30 Ахборот».
20.50 «Юртим васфи». Композитор Турсун Азимов асарларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона сиёсий кун». «Жаҳон ёшлиги — тинчлик учун курашда» (рус.).
22.35 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 3-серия — «Шикоятга ўрин йўқ».
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Сенинг афсонавий шон-шуҳратинг». Телефильм.
18.50 «Абитуриент-85». Математика.
19.20 Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Ёшлар форуми» (рус.).
19.50 Реклама.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Арманистон эстрадаси артистларининг концерти.
21.20 «Уч-тўрт». Телефильм.

«Узстроймонтаж» трестининг ишлаб чиқариш технологик комплектлаш бошқармасига берилган 2581094 номерли йўқолган
ЯНГИ МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ
ва маҳаллий комитетнинг
ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
19 ИЮНЬ, 1985 й.

КИНО

19 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 20.45, кичик зал, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Чайка** (18.30, 20.45; телефон 33-05-01), **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02), **Нукус** (18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Ватан** (18.30, 21.00).

«ТАЛВАСА» (2 серияли) — **Қозоғистон** (17, 18.20, 21.00; телефон 35-24-92), **Тинчлик** (18.30, 21.00; телефон 58-36-02), **Лисунов номли** (17, 20.00; телефон 96-34-02), **Искра** (18, 21.00; телефон 39-14-59), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00; телефон 78-47-25).

«ТАШВИШЛИ ТОНГ» — **Хива** (22.00).

«ВАЗИЯТГА ҚАРАБ ИШ ТУТ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«ҒАРОВДАГИ КИШИ» — **Ғафур Ғулом номли** (17, 20.00).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» (2 серияли) — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

«ЎЗГА САЙЁРАЛИ АЁЛ» **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда: телефон 24-22-66).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» (ўзбек тилида) — **М. Шайхзода номли** (17, 19, 20.45; телефон 42-39-71), **Ҳамза номли** (17.30, 21.00; телефон 91-10-51).

«ҚАЙСАРНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда; телефон 66-15-75).

20 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 33-05-01), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01).

«ТАЛВАСА» (2 серияли) — **Тинчлик** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 58-36-02), **Искра** (12, 15, 18, 21.00; телефон 39-14-59), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 53-65-87).

«СИНЬОР РОБИНЗОН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00).

«СКАПЕН НАЙРАНГЛАРИ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«ҒАРОВДАГИ КИШИ» — **Ғафур Ғулом номли** (17, 20.00).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» (2 серияли) — **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» —**Хива** (22.00).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» (ўзбек тилида)— **М. Шайхзода номли** (11, 13, 15, 17, 19, 20.45, телефон 42-39-71), **Ҳамза номли** (11.30, 14, 17.30, 21.00; телефон 91-10-51).

«ҚАЙСАРНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ»—**Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН» — **Янгиобод** (11, 14, 17, 20.00).

«МАҲЛУҚ» — **Фестиваль** (22.00).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» —**Қозоғистон** (11, 12, 14.15, 17, 18.20, 21.00; телефон 35-24-92).

«ТАВАҚАЛЛИҚ ОҚИБАТИ» — **Мир** (тоқ соатларда).



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р — 12338. **Индекс 64690.** **1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**